


2011 йил 11 май, ЧОРШАНБА

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган



ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 91 (11.902)

Баҳоси эркин нарҳда

20  
МУСТАҚИЛСИК - INDEPENDENCE - НЕГАҲИМЧИСИК  
ЎЗБЕКИСТОН

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2011 йил – Кичик бизнес  
ва хусусий тадбиркорлик йили

### ХОНАДОНЛАРИМИЗГА ФАЙЗ БАҒИШЛАМОҚДА

Хонадонларимиз кўркини ошириб, унга ажаб бир файзу тароват бағишлиша, кўзларимизни қувнатиб, дилларимизни яраттишида сифатли мебель жиҳозлари қаторида жозибали гилам маҳсулотларининг ҳам ўрни бекиёс.

Хар бир хонага ўзига мос гилам танланни эса унинг кўркини янада очади. Айниска, у сифатли, чироили ва табиий иллардан тайёлранган бўлса, нур устига аъло бўлади. Пойтахтимизнинг «Янги Себзор» маҳалласида бундан 5 йил муқаддам ташкил этилган «Qays Gilam To'qish» масъулияти чекланган ҳамияти тадбиркорлари тўқиётган бетакор гилам маҳсулотлари бўлганда шакарларни сифатидан яхши билди.

Ўтган йилда корхонада 80 дан зиёд турли ҳажмади гиламлар тайёлранади. Шу ўриндан маҳсулотнинг бир кисми АҚШ, Франция, Германия сингари давлатларга экспорт қилинганин, бундай хорижий хариорлар сафи кенгайли бораётганини ҳам айтиш юзаси. Бу корхона мудавфакиятидан, гиламларнинг юкюри сифатидан маҳсулотларни тайёлланади.

Гилам тўкиш усталари шогирдлар тайёллашса, хунари сирларини ёшларга ёрнишади. Устозлар ўтигига амал килиб, гилам тўкишга меҳр кўйган Муножат Гуломова, Роза Ирисмухамедова сингари ёшлар бугун тажрибали усталар каторидан ўрин егаллагандаги бўлса, Шоҳиста Миржалолова шогирдлик мактабини ўтамоқда. Бундай ёшлар корхонада кўпчилликни ташкил этади. Улар мори гиламдуз бўлиши, жамоя итогига муносиб хисса кўшишини ният қилишади.

Бугунки кунга келип пойтахтимизнинг 7 туманинда корхона филиаллари раойият кўрсатмоқда. Келгисида эса барча туманинда ана шундай филиаллар очиш, ёшларга иш ўринлари яратиш кўзда туттилган. Шунингдек, тадбиркорлар ўз ўкув марказларини очиши сабъ-харракатиди. Мазкур марказ ёшларга касб-хунар ўргатиш, шу асосда уларни исха жалб этиш, ишлаб чиқарни кенгайтиши, сифатли, ноёб гилам турларини харидорларга тортиқ этишида мухим аҳамияти касб этади. Хорижий хамкорлар билан алкаларни мустаҳкамлашга қаратилган ётибор эса экспорт ҳажми юксалиши учун дадил қадам бўлади.

Гиламлар тайёр бўлгага, улар маҳсулотда шахарларда текисланади, ранглар коришиб кетмаслиги учун кимёвий ишлов ҳам берилади, — дейди моҳир уста Карима Иб-

Шарифа ИЛЁСОВА  
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

✓ БУГУН Адлия бошқармаси томонидан «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатларининг ўрни» мавзусида сенинтар ўтказилди.

✓ ЭРТАГА «Туркестон» саройида Мустакилларимизнинг 20 йиллигига бағишиланган «Мен буюк ва мукаддас Ватан фарзандиман!» шиори остида катта байрам тадбири бўлиб ўтади.

✓ ҲАМЗА маший касбхунар коллежида мактаб битирувчилари ва уларнинг отоналари иштирокида «Касбим – фахрим» шиори остида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди.

**XXI садоси**

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СҮНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда компьютер дастурчила-рининг «Best Soft Uzbekistan – 2011» йиллик Миллий форуми бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириши агентлиги хамда Олий Мажлис Конунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

• Самарқандда «Мустакилликнинг 20 йиллиги: Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари тараққиётининг таҳлили ва истиқболлари» мавзуда илмий-амалий семинар ўтказилди. Анжуманда Истиқлол йилларида фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар демократик қадриятлар, инсон хуқуқ ва эркинликлари хамда қонуний манфаатларини химоя қилишнинг мухим омилига айлангани таъкидланди.

• Республика Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, Ўтра маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси хамда Бобур номидаги ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида академик лицей ва колледжлар ўртасида ташкил этилган «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази» кўрик-танловининг Андижон вилояти босқини бўлиб ўтди.

• Хива туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги 42 та корхона ва ташкилот 270 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этид. Тадбир давомида 72 нафар кишига ишга жойлашиши учун йўлланмалар берилди.

• «Янгиер фолд салт» маъсулити чекланган жамиятида йодланган ош тузи қадоқлаш йўлга кўйилди. Ҳозир бу ерда ойига ўтчала 30 тоннагача туз бежирим халтачаларда қадоқланиб, ички бозорга чиқарилимоқда.

• Нуробод туманинг олис Тутли қишлоғидаги «Standart servis Nurobod» хусусий корхонасида гипс маҳсулотлари тайёрлаш йўлга кўйилди. Бунинг учун тадбиркор Тожималик Хайитов ўз хисобидан 50 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлади. Натижада бу ерда 10 та иш ўрни яратилди.

• Бухоро шаҳрида мамлакатимиз Мустакилликнинг 20 йиллиги муносабати билан «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» тадбири ташкил этилди.

### ЖАҲОНДА

• 2010 йил якунларига кўра, Европудуга кирувчи мамлакатларда давлат қарздорлиги энг юқори кўрсаткичга этид. Яъни Европа Иттифоқи мамлакатларининг давлат қарзи ўтган йилдаги нисбатан 5,5 фоизга ошган ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 85 фоизни ташкил қиласан. Ташкилотга аъзо мамлакатлар орасида бюджет тақиҷлиги бўйича энг юмон кўрсаткичлар Ирландия, Гречия, Буюк Британия, Испания ва Португалия мамлакатларида қайд этилди.

• Италия полицияси Маллардос жинонай тўдаси томонидан ноқонуний йўллар билан ўзлаштирилган 600 миллион евро микдоридаги маблағни давлат ғазнасига мусодара қылди ҳамда айбдор шахслар жинонай жавобгарлика торттилди.

• АҚШнинг «Индейвор» шаттли Ҳалқаро космик станцияга сўнгги бор 16 майда парвоз қиласан.

• Япониянинг Хонсю оролида Рихтер шкаласи бўйича 5,8 балли зилзила рўй берди.

• Италия бош вазири Сильвио Берлусконига нисбатан тўрттинчи жинонай иш кўзғатилди. Бу гал у бундан бир неча йил муқаддам адвокатга катта микдорда пора берганлидида айбланимокда.

• Мексиканинг Мехикодан то Кузранавака шахригача чўзилган 90 километрли йўлда 85 минг нафардан зиёд маҳаллий аҳоли вакиллари иштироқида гиёхвандликка қарши «Тинчлик, хавфсизлик ва адолат марши» деб номланган намойиш бўлиб ўтди.

• АҚШнинг юқори замонавий техника воситалари ишлаб чиқарувчи Apple компанияси дунёдаги энг қиммат бренд (савдо белгиси) деб топилди. Мазкур бренднинг қиймати 153 миллиард АҚШ доллари ҳажмида баҳоланган. Шу тарика ушбу савдо белгиси энг қиммат брендлар рейтингида сўнгги тўрт йилдан бери етакчилик қилаётган глобал Интернет тармоғи — Googleнинг хукмронлигига якун ясади. Рейтингда кучли учлини «International Business Machines Corp.» компьютер корпорациясининг «IBM» маркази якунлаган.

### ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар  
докуменинг Ахборот  
хизмати ва ўз мухобиларимиз  
хабарларидан.

— Оқсоқол бўлиш — демак, кўпчиликни ўз ортидан эргаштира олишдир, — дейди ўз маҳалладошлари синовидан муваффақиятли ўтган ва эндиликда кўпчилик овози билан «Бободекон» маҳалла фуқаролар йигини раиси этиб сайланган Тоир Эргашев.

Бу маҳалла бир неча йиллардан бери хайри ташаббуслардан йирок бўлиб қолганди, чунки уларни кўллаб-куватлайдиган ва ташкили ишларни ўз зиммасига оладиган киши бўлмаган. Ахолининг орузмаксадлари эса худуддан оқиб ўтдиган катта арик устидан кўпик куриш, кўчаларга асфальт ётқизиш, ташки ёриткичларни созлаш, спорт майдоннасини барпо этиш билан боғлиқ эди. Албатта, буларнинг ҳаммаси бир йилда килинадиган ишлар сирасига кимайди, аммо нима учун бирон-бир ҳаракат кўлди уримаганига биз ҳам тушибиб етмадик. Имконият бўлишига қарамасдан, афсуски, ҳар бир янги сайланган оқсоқол бу орузларни рўёбга чиқариша вадда бериши билан чекланиб қолаверган...

Четдан мадад сўрашга ийманган ахоли бу сафар сайлови кампанияси бошланишидан иккى ой аввал маҳалла оқсоқоли вазифасини вактина бахарувчи сайлав олишга ва унга синов муддати белгилашга карор килди: агарда ишончи оқласа — кейинчалик йигин раиси бўлади, оқлай олмаса — янги номзодини танлашга тўғри келади.

Албатта, маҳалламизида бу вазифага муносиб инсонлар кам эмас, факат, очигини айтдиган бўлсан, ҳамма ҳам маҳалла учун жон кўйдирисдек оғир юкни ўз зиммасига олишига қодир эмас. Бу шунчаки баландларвуз гаплар эмас, — дейди маҳалла пиду бадавлатларидан бирни Мирзаҳамд ота Хамидов. — Барча кўрсатилган номзодлар асосий мезонларга жаоб беради, аммо уларда ўзига бўлган ишонч этишмаган. Ҳар қандай раҳбарга хос бўлиши шарт бу муҳим фазилатни Тоир Эргашевда сезиз кийин эмас. Бундан уч йил аввал бу инсонни йигин раислигига кўрсатишга урингандик, аммо ўзи истамади, шундай бўлса ҳам маҳалла учун кўп жон кўйдирди. Бу сафар уни яна кўндиришига ҳаракат килдик ва уддаладик. Иккى ой ичидаги кўпик куришга бошкаб бўлиб, жонбозлик кўрсатанинг ўзи катта иш. Бунга алоҳида ургу бериши муз бежис эмас. Илгарилари сайланган оқсоқоллар биринчи ишни аввалимбор ўз хонадонидан бошларди...

Сайлов йигилишида сўзга чиққанларни аксарияти учта номзоддан бирни бўлмиш Тоир Эргашев ҳақида илик гаплар айтиб, унга катта ишончи билдиришиди. Албатта, бошқа номзодларнинг ҳам саловоди дастурларида эътиборга лойиҳалар бўлсада, бироқ улар овоз бериш олдидан ўз номзодларини қайтариб олиш истагини билдиришиди.

## Фуқаролар йигинлари сайлови

# ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

— Ўз хонадонига тинчлик-хотиржамли типлаган ҳар бир киши биринчи галда унинг асосий ёхтиёби ҳақида замъурлини килди, — дейди Тоир Эргашев.

Кўпчилик мененг катта бир оила хисобланмис маҳаллалага бosh бўлиши ишончини билдириши. Ваъздалар билан одамларни, балки, ишонтириш мумкинцид, аммо бир муддатга холос... Режалаштириб олган ишларимизни маҳалладошларимиз кучига таяниб амалга оширишга ҳаракат килдик. Бунинг учун барчанинг ҳамжихатлики ундаш лозим. Ўтган иккى ой давомида ҳар бир оила билан яқиндан танишиб, ташвишлари билан кизиқиб кўрдим, улар учун фуқаролар йигини нима килиб бериши мумкин деган саволга жавоб олишига ҳам эришдим. Фарзандларни балогатга етмаган оиласи кўп. Уларнинг аксарияти худудимизда мактаб ва мактабгача таълим мусасаси йўклинига ташвирига тушаётганини бежис эмас. Маҳалламизида 850 оиласи бирлашган 6400 киши истикомат килди. Меъбер бўйича маҳалламиз худуди бошлангич таълим мусасаси бўлиши лозим.

Маҳалланинг кичинтоя вакиллари Юнусбод даҳасининг анча узоқ мавзеларida жойлашган 247, 273 ва 296-мактабларга катнаш учун ҳар куни бир неча километр

йўлни пиёда босиб ўтиши, шу жумладан катта автойўлни кесиб ўтишига ҳам тўғри келади. Ота-оналар айнан шундан ташвиш чекаётгани табиийидир. Бу борада бизни яна бир масала қизиктириди, у ҳам бўлса бир пайтага ушбу маҳалла худудидаги жойлашган мактаб биноси номзодлум сабабларга кўра пиво ичимлиги ишлаб чиқариша ижарага берилганидир...

ишончини ҳандай оқлаш лозимлигини яхши англаетганинг шубҳа йўқ, албатта.

— «Бободекон» маҳалласи Юнусбод туманидаги ахоли зич яшайдиган худудлардан бирида жойлашган. Биз ҳам ишончи қоламизки, маҳалла фуқаролари янги сайланган йигин бошчилигига ўзларини кўп йиллардан бери ташвишларни билдириб масалаларини биргаликда ҳал этиладир, — деди хуласа ўрнида фуқаролар йигинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишига кўмаклашувчи туман комиссияси аъзоси Улугбек Дўстмуҳамедов. — Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тумандаги 58 та маҳалланинг деярли ҳар бирида ўзига хос муммалик масалаларор. Сайлов жараёнда булар яқъол кўзга ташланмокда. Демак, янги сайланадиган йигин раисига ахоли катта умид боғлади... Туман бўйича фуқаролар йигини раислигига 230 га якин киши кўрсатилган бўлса, ўтга ҳисобда битта маҳалланига уч-тўртгандан номзод тўғри келмоқда. Буни — фаоллик кўрсаткичи деб хисоблашмай, чунки номзодликка ҳам энг муносиблар танланмокда. Бу борада бевосита фуқаролар катта ёрдам беёфтанини алоҳида айтиш лозим. Амалдаги оқсоқолларнинг кўпчилиги кейинги муддатга ҳам ўз номзодини кўрсатган, аммо сўнгги сўз — маҳаллаладир. Кўмаклашувчи комиссия томонидан ҳар бир маҳалла сайлови кампанияси қонунга мувофиқ ташкил этилишига ташкилини жиҳатдан ёрдам кўрсатилади. Шу кунгача бу борада кунон бузилиш ҳолатлари юзасидан муроҷаатлар бўлмади. Жамиятимиз ҳаётидаги ушбу мухим жараённи кузатиб, айтиш мумкини, одамлар ўз маҳалласи бошида ким туришига бефарк эмас. Эътиборлиси, улар амалдаги фуқаролар йигини фаолларига нисбатан бемалол ўз фикрларини билдиришмокда, шу билан бирга ўзини ўзи бошқаририди. Бунинг учун ишни янада яхшилаш, таъсирчанлигини ошириш борасида аниқ ва лўнда таклифлар ҳам киритишмокда. Жамоатчиликни фуқаролар фолилиги ошириб биринчи навбатда маҳаллаларимизнинг демократия кўзгуси сифатида шаффоғлиги янада ёрқинроқ акс тошишига хизмат килади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Истиқол йилларида барча жабхаларда бўлгани сингари, иктиносидёт соҳасида ҳам тараққиёт мезонларига мувофиқ кўплаб ютуқларга эришилмокда.

## Анжуманлар

# «КАМОЛОТ»НИНГ ТАДБИРКОРГА КЎМАГИ

Бу йилнинг давлатимиз томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб ўзини килинганилиги ҳам бежис эмас. Ушбу соҳаларни ривожлантириш борасида кенг қўлмадиги ишлар амалга оширилаётганинг ўзи катта имкониятидир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Аддия вазирлиги ва Давлат солик кўмитаси ҳамкорлигига ташкил этилган навбатдаги анжуманда айнан шу жадда фикрлар алмасиди.

— Ўтган давр мобайнида 1,4 мингига якин тадбиркорлик билан шугулланыш истагига бўлган ёшларга деярли 3,7 миллиард сўм микдорида микрокредитлар ажратилди, — деди «Камолот». ЁИХ Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова. — 55 нафар ёш тадбиркорларнинг кредит фони ставкалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўйлаб келинмокда. Бундан ташкири, «Камолот» ва «Агробанк» ўртасида тузилган битимга асосан ташкил этилган «Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиёт кафолати» танловининг 13 нафар голибларига 200 миллион сўмдан зиёд имтиёзи кредитлар ажратилди.

Анжуманда таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда Ўртошибимиз раҳномолигида ёшларга кенг ўйлаб очиб берилётганини, шубҳасиз, порлок келажамилини замин бўлиб хизмат қилиади. Шу маҳсадда ЁИХнинг худудий бўлимлари қошидаги ёшлар ижтимоий хизматларни марказлари тасаруфида «Ёш тадбиркор» маслаҳатларини ташкил этилди. Бу каби лойиҳалар эртанини кунда, шубҳасиз, ўз самарасини кўрсатади. Бундан ташкири, касб-хунар коллеги ва академик лицей битирүчиларини иш билан ташкил этилди, уларда тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш, уларни ўз бизнесини йўлга кўйишида кўмаклашиш маҳсадиди «Менинг бизнес лойиҳам» танловини ҳам ташкил этилган. Биргина ЁИХ кумаги остида ёшларнинг ёнглиларига амалда ўз ифодасини топаётганини кўриб кувонади киши.

Хўш, ҳаракат томонидан яратилётгандан имкониятлардан ўтил-қизларимиз қайда даражада фойдаланмокда.

— Мен, — дейди Шахло Зоирова, — 2009 йилдан бери «Камолот»нинг кўмаги билан ўз фаолиятимини юритиб келмокдаман. Ёш бўлишимга қарамасдан, кичик ишлаб чиқариш корхонасини юритиб келмокдаман. Эришайтган ютуқларим ўзимга бўлган ишончини янада оширади, албатта. Фаолиятим давомида иккнина нафар тикувчи, бешта касанасини иш билан ташкил этилди. Келажакда бу борадаги ишларни ривожлантириш, ўкув марказини ташкил этишни ниятиб. Анжуман давомида «Камолот» субсайти йўлга кўйилганини ҳақида маълумотга эга бўлдим. Ўйлайманки, бу бизга яратилган янада кўпайлик. Ушбу сайт оркали барча кизиқтирган саволларга жавоб олиш имконияти бор. Шунни ҳам алоҳида ташкилдамочиманни, биз улкан маҳсадларимизни амалга оширишимиз учун барча имкониятлар яратиб берилган. Булардан оқулона фойдаланиб, юртимиз шарафини янада оширишга ўз хиссамизни кўшишига ҳаракат қилимас.

Садоқат АСЛАНОВА

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

### (Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мукаммал механизми амалиётга самарали жорий этилмоқда. Мамлакатда 5 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда, сиёсий партияларнинг роили муттасил ортиб бормоқда. Айни пайтда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жадал роавиат топаётир. Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлашириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурғилган қонунчилик ташаббуслари жамиятиимиз хаётидаги барча жабхаларни янги, янада юқсак босқичга олиб чиқишида муҳим хукуқий асос бўлиб хизмат килади.

Ўтказилаётган хукукий саводхонлик ойилиги тадбирларида истиқол йилларида сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар билан биргаликда мазкур Концепциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёшлар онгига чукур сингдиришига барча жабхаларни янги, янада юқсак босқичга олиб чиқишида муҳим хукуқий асос бўлиб хизмат килади.

Бу жиҳатлар умумий ўрта, ўтга маҳсус, касб-хунар, олий таълим даргоҳларида бўлиб ўтаётган хукукий-маърифий ўйналишдаги давра сухбатлари, илмий анжуманлар, имулоқотларда ҳам ўз ифодасин топмоқда. Охирги кўнғироқ тадбирларига қадар давом этадиган мазкур ойлик доирасида ўқувчилик ойларидан ўтқасида «Менинг хукуқ ва бурчларим», «Мустақил юрт фарзандимиз!» мавзуларидаги иншолар танлови, Аддия, Ички ишлар вазирликлари мутахассислари, хукуқшунослар, олим ва экспертилар иштирокида давра сухбатлари, «Сиз қонунга биласизми?», «Хукуқларини биласизми?» каби мавзуларда иккى босқичли викториналар ўтказилмоқда. Айни пайтда, ойлик тадбирларини самарали ўтказиш маҳсадида таълим мусасасаларига кўллаб плакатлар, буклетлар тарқатилиб, инсон хукуклари бўйича кўшимча ўқув машгулларни маънавият сабоқлари ташкил этилаётir.

— Мактабимиз ўқувчилари хукукий саводхонлик ойлигига фаол катнашмоқда, — дейди пойтахтимизнинг Йакисарой Тумандаги 118-мактаб директори Бибисора Ҳасанова. — Юқори синф ўқувчилари ўртасида иншолар танловини ўтказдик. Бундай тадбирлар ўғил-қизларнинг мустақиллигимиз берган улкан имкониятлар, хукукий соҳадаги ижодий ўзгашишлардан кўзлашган маҳсадларни янада тераёнроқ анграб ташкил этишида алоҳида аҳамият касб ётмоқда.

## МОВИЙ ОСМОН ОСТИДА

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари iva халқ усталирининг «Ijod» ўюшмаси ҳамкорлигига мусаввир Абдували Мўминовнинг бадиий кўргазмаси ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамо лигига ёши улуғ ижодкорларга ғамхўрлик кўрсатиш, меҳнатини ардоқлаш, уларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш борасида амаалга оширилаётган эзгу ишлар ҳамкорлигимизни янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантироқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлика кекса ижодкорларни ташкил этишни ривожлантириш, уларни рағбатлантиришга оид кўплад-куватлашга алоҳида лойиҳаларни мутаффақиятли амалга оширимоқда. Ёши улуг ижодкорларнинг фәаолиятига бағишиланган кўргазмалар,

# ИНСОН ВА ҚОНУН

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мъарузасида белгилаб берилган устувор вазифалар, унинг мазмун-моҳияти ўқув юртлари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда кенг ўрганилмоқда.

## Концепцияни ўрганамиз

### ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ДАСТУРИ

Шундай тадбирларнинг бирни Шайхонтохум тумани хотин-қизлар кўмитаси, ўзЛидЕП, «Камолот» ЙИХ Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигига Тошкент Ислом университетидаги бўлиб ўтди.

«Юртимиз тараққиётининг муҳим дастури» шиори остида ўтказилган ушбу давра саҳабига фаол, етакчилик қобилияти билан танилган бир гурух ўшлар таклиф этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Конуничилик палатаси депутати Одил Аширов, «Камолот» ЙИХ Тошкент шаҳар бўлими қенгаси Раиси Маҳмуд Асомов, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайё Пўлотова ва бошқалар концепцияида белгиланган

асосий вазифаларга алоҳида тўхтадилар. Давлат хокимиюти ба бошқарувини демократлаштириш, суд-хуқук тизимини таомиллаштириш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, сиёсий партиялар ролини ошириш, бозор ислоҳотларини либераллаштиришини чуқурлаштириш каби устувор йўналишлар бўйича амалий ишларда ўшларнинг ҳам мунусиб ва фоълиятини таъминлаш бора-сида атрофлича фикр алмасиди.

Иштирокчилар ўтибогира Тошкент Давлат юридик институти тарғибот гурухи томонидан тайёрланган видеоролик-

Шоира  
МУҲАМЕДОВА

**Жорий йил Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб ёълон қилинганинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қиласди.**

Президентимиз таъбири билан айтганда, тадбиркорлик, ишбила-монлик ҳалқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, сунг-сунгига синг-кетган ноёб ва эзгу фазилатларданadir. Юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан бўйи алоҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримиз айнан шу йўл билан рўзгор тебришиб, оилаларини таъминлашган, эл-юрт равнақига хисса кўшишган. Тадбиркорлик нинг бosh омили ҳалоллика деб ҳисоблашган. Улар шунинг учун саҳи-лик, ҳалоллик, адолат мезонларига доимо амал қилишган.

Бугунги кунда тадбиркорларни, айниқса савдо-сотик билан шуғулланётгандар ота-боболаримизнинг бўйи келишади. Тадбиркорларни мизда шундай фазилатларни шакллантиришга хизмат қиладиган катор ҳуқуқий-мезёйр хужжатлар қабул қилинган. Уларга зарур шароитларни яратиш билан бирга, маҳсулот ва хизматлар ҳаки сифатида ахолидан тушадиган нақд пул маблағларини қабул қилиши ҳамда ҳисобга олиши тартибида солиши, пул мумолосини мустахкамлаш максадида 1994 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириша назорат-касса машиналарини мажбурий кўллаш тартиби тўғрисида»га қарор қабул қилинганди. Муассасалар ва ташкилотлар томонидан «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириша назорат-касса машиналарини мажбурий кўллаш тартиби тўғрисида»га қарор қабул қилинганди. Муассасалар ва ташкилотлар томонидан «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириша назорат-касса машиналарини мажбурий кўллаш тартиби тўғрисида»га қарор қабул қилинганди. Муассасалар ва ташкилотлар томонидан «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириша назорат-касса машиналарини мажбурий кўллаш тартиби тўғрисида»га қарор қабул қилинганди.

Кайд этилган қарорнинг 4-бандағига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апредаги қарори асосида ўзгартирishlar киритилиши ва борадаги ишлар таъсирчлиги ва самародорлигини аниқлашда муҳим омил бўлди. Унга асосан 2010 йил 1 октабрдан бошлаб аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи юридик ва жамоний шахслар томонидан кўлланилаётган на-

## Қарор ва ижро

### ИНСОН САЛОМАТЛИГИ – ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ

Бугунги кунда соғлом оилани шакллантириш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш энг устувор йўналишлардан бирига айланган.

Мамлакатимиз Президентининг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жамоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самародорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастuri тўғрисида»га Қарори тибиёт муассасалари фаолияти кўламини янада кенгайтириш, аҳолининг тибий маданиятини юксалтириш, ёшларни оиласа тайёрлаш, ирсий касалликлар келиб чиқининг олдини олиш, тибий-ижтимоий кўмакка муҳтоҳ болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ кенг кўламили ишларни хаётга татбиқ этишда муҳим дастур бўлиб хизмат килаётir.

Албатта, ёшлар даврасини қамраган ҳолда ўтказилаётган бундай тадбирлар нафакат уларнинг сиёсий-хуқуқий саводхонлигини оширади, балки жамиятимиз ҳаётida бўлаётган ўзгаришларга даҳдорлик хиссини шакллантириди, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларга ўз хиссаларини кўшиш иштиёкини кучайтиради.

Айниқса «Ёш оила мактаби» машғулотлари доирасида соғлом фарзандларни дунёга келтириши, уларни комил инсон қилиб тарбиялашга йўналтириб ўтказилаётган ўкув-тарбия соатлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада ўшларга оиласи

зорат-касса машиналари ягона техник талабларга мувофиқ бўлиши хамда «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида мажбурий сертификатланиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар, банк пластик карточкалари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширувчи корхоналар харидорга назорат-касса машинаси ёки тўлов терминални чекини беришлари керак.

Солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами (СТИР), таоваринг, бажарилган ишлар ва хизматларнинг номи ва қиймати, ҳарид қилиш вақти ва санаси, назорат-касса машинаси ёки терминал рақами касса чекларида кўрсатилиши лозим.

Сертификатга эга бўлмаган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган

назорат-касса машиналаридан фойдаланиш, шунингдек бундай машиналардан фойдаланган ҳолда чек берилishi айбор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жаобгарлика тортиш учун асос бўлади.

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида ўтибогира тартилаётган даврда соҳа вакиллари янги қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига тўла амал қилишлари лозим.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, савдо-сотик, тадбиркорлик ҳалолникинг ҳаётат қилинсан, кўзига чўп ташлашга уринилса, у ердан барака қочади. Демак, қонуни менсимаганлар, кассага битта-ю, киссага ўнта урайтган «ишбилиарномлар»га нисбатан албатта жазо мұқаррардир. Шундай экан, ота-боболаримизнинг удумига риоя этиб, ҳалолникинг ўзиғизига шиор қилиб олайли. Шунда рўзгоримизга ҳам барака киради, эл-юртимизнинг ривожига ҳам мунусиб хисса кўшган бўламиш.

Ақбар ЁКУБОВ,  
Бектемир тумани давлат

солиқ инспекцияси назорат тартибидаги ва қисса муддатли текширишларни

ўтказиш бўлими бошлиги

### БИЗ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ

Олмазор туманинаги 298-мактабда ўқувчилар ўртасида «Биз – соғлом турмуш тарафдоримиз!» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва қашандаликка қарши курашишга қаратилган тадбирда мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилишини таъминлаш, ёшларнинг ёт гояларга қўшилиб кетмаслигининг олдини олиш борасида амалга оширилётган ишлар мухокама қилинди.

Мактабларда ўшларнинг экологик, тиббий, сиёсий ва хуқуқий саводхонлигини ошириш, қизларимизни ҳаётга тайёрлаш борасида турли шоу-дастурлар, кўрик-танловлар ташкил этиши яхши анъанага айланган, — деди тарих фани ўқитувчиси Акмал Навиев. — Туман ҳокимигига, ички ишлар, прокуратура ва соғликини сақлаш бўлимлари ва «Камолот» ўшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигига ўтказилган навбатдаги тадбир ўқувчиларнинг санъат ва спортга бўлган қизиқишини ортиришига, узлуксиз таълим тизимидаги сифат ва самародорликни оширишга қаратилганлиги билан аҳамияти бўлди.

Тадбирда мусиқа ўқитувчиси Файзула Хўжаев раҳбарлигидаги даста ва каратэ бўйича қора белбоғ соҳиби Муроджон Шокирхонов мураббийлигидаги кичик ёшдаги спорчиларнинг чиқишини ўзигланларда катта таассурот қолдири. Битирувчиларнинг дўстлик, тинчлик, Истиқлол ва Ватан ҳақида куй ва қўшиқлари, жозибали ракслари тадбирга янада файз кириди.

«Туркистон-пресс»

### ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

#### ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

«Математика», «Чет тиллари», «Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Минтақавий иқтисодиёт», «Ўзбекистон тарихи» кафедралари мудири ва кўйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) лавозимларга

#### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Молиявий таҳлил»-доцент; «Лойиҳаларни моялиялаштириш»-доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Молия»-доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Менежмент»-катта ўқитувчи; «Математика»- доцент, катта ўқитувчи; «Бизнес ва иқтисодиёт»-доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Фазначилик иши»-катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит»-доцент, катта ўқитувчи, «Минтақавий иқтисодиёт»-доцент, катта ўқитувчи; «Фалсафа»-доцент; «Суғурта иши»-катта ўқитувчи; «Солиқлар ва солиқла тартиши»-катта ўқитувчи; «Молиявий менежмент»-доцент, катта ўқитувчи; «Бюджет ҳисоби»-доцент, катта ўқитувчи; «Бухгалтерия ҳисоби»-катта ўқитувчи; «Информацион технологиялар»- доцент, катта ўқитувчи; «Иқтисодиёт назарияси»-доцент, катта ўқитувчи; «Педагогика ва психология»-катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); «Жамоний тарбия ва спорт»-катта ўқитувчи; «Чет тиллари»-катта ўқитувчи; ўқитувчи (ассистент).

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессор, доцент ва тажрибали ўқитувчilar иштирок этиши мумкин.

Танлов муддати — эълон чиқсан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашиш юзасидан 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳхўчаси, 60-а-й, ТМИ ходимлар бўлумига мурожаат қилиш лозим.

Тел: 234-83-99, 421-32-00

РЕКТОРАТ

#### ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида ҳар ойнинг биринчи ва охирги жумасида ўтказилаётган «Тадбиркорлик кунлари»да кичик ва хусусий бизнес субъектлари бўвосита бошқарма раҳбарияти томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Шуни ҳам эслатиб ўтамикли, фаолиятнинг ҳаётини аралашувлар ва қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилингиз мумкин. Бошқарма мутахассислари томонидан Сизга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси «Ишонч телефони» рақамлари: (8371) 269-14-45, 262-92-42.

«Ёшлик илхомлари» шиори остида Мирзо Улубек номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ва Юнусобод тумани ҳокимликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигига ташкил этилган ижодкорлар анжумани ниҳоятда қизиқарли, ранг-баранг дастурлар билан бошланди.



### Маънавият гулшани

## ЁШЛАР — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

ган анжуманда ҳам бир гурӯҳ истеъдод эгалари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ва Шайхонтохур тумани ҳокимликлари ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир ёшларнинг ҳақиқий байрамига айланди.

Мъалумки, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама кўплаб-куватлаш, истеъодинни юзага чиқариш мақсадида кўплаб эзгу сайдъ-харакатлар амалга оширилмоқда. Мустакиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ фарзандларимизга таллим-тарбия бериш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиган беҳис эмас. Анъана-навий ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсида», «Ёнгига авлод», «Талабалар баҳори» каби бир қатор танлов ва фестивалар ҳам фикримиз далилидир.

«Ёшлик илхомлари» анжумани ана шу анъаналарнинг узвий давоми сифатида ўқувчиларни ўзаро ҳамжиҳат бўлишга, бушвактларни унумли ўтказишига, энг муҳими — ёшларнинг қалбидан ватанпурварлик, инсонпарварлик туйғуларни оширишига хизмат килиади.

Ёшларимизни давлатимиз тархни, учмас сиймолар, улуг бобо-баконларимиз мероси билан танишиши, уларга юрт ва мустакиллик, тинчлик деб аталган бебаҳо неъматларнинг қадрини англатиш, келажак эгаларига бўлган фамхўрлик моҳиятини ту-

шунтиришда бу каби тадбирларнинг ҳамияти катта, — дейди Шайхонтохур тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова. — Уларнинг истеъодларини юзага чиқариш кўллаб-куватлаш, рафбатлантириш максадиди ўтказилаётган ушбу тадбир ёшларга кўтарики руҳ банишләтириш. Эзгу мақсадлар йўлида юксакликлар сари интилаётган, парвозга шайланадиган иктидор эгалари учун имкониятларни янада кенгайтиришимиз лозим. Юрт истиқболи мана шу қалби қайнок, шижоатли, билимли ёшлар кўлидадир.

«Ёнги авлод» фестивали совриндорлари «Тантана» ва «Асал» гурӯҳи, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари Умид Исломов, Мадина Мумтоз, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Шахноза Давлетова ижросидаги жозибали қўшилар, ёш спортичиларнинг қизиқлари, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаларининг дилторлар кўшиларни тадбирга ўзгача файз багишлади.

Шунингдек, тадбир давомида уруш ва меҳнат фахрийлари ёшларга ҳаёт йўллари, суронли уруш йиллари хотираларидан сўзлаб берар эканлар, тинч, фаровон ҳаётнинг қадрига ётиб, она юртимизни кўз корачигидек асрар, Ватанга муносиб фарзанд бўлиб камолга иштишларига тилак билдирилар.

**Дилором ИКРОМОВА  
Козим Үлмасов  
олган сурат**

Дилором ИКРОМОВА  
Козим Үлмасов  
олган сурат

Дилором ИКРОМОВА  
Козим